

А Ж Р И М

(даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

Қумқўрғон тумани

2023 йил 13 декабрь

Қумқўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Ғозиевнинг раислигида, судя

[Redacted]

лисида

қўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Даъвогар

[Redacted]

жавобгар ўртасида тузилган медиатив келишувни тақдим этиб, суддан даъвони кўрмасдан қолдиришни сўради.

Жавобгар вакили суд мажлисига келмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 131-моддасига кўра, тарафлар низони медиатив келишув битимини тузиб ҳал этиши мумкин.

Медиатив келишув битими даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин.

Медиатив келишув биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади.

[Redacted]

медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув шартномадаги унинг таркибий қисми бўлган шарт тарзида ёки алоҳида келишув тарзида ёзма шаклда тузилади.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки муайян низолар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши кераклиги ҳақидаги қоида бўлиши лозим.

Ҳужжат имзоланган: Ғозиев Шукрулло Хаджамкулович, 12.01.2024



Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда низо предмети ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларда тарафларнинг иштирок этиш шартлари ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин.

“Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига кўра, низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим, бундан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиатив келишув тузилган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 107-моддасининг 1-қисми 5³-бандига кўра, тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, иқтисодий суди даъвони кўрмасдан қолдиради.

Суд, даъвогар вакилининг кўргазмасини тинглаб, тақдим этилган медиация келишуви ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, тарафлар ўртасида имзоланган медиация келишуви қонун талаблари асосида расмийлаштирилган деб топиб, даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 15, 16, 17-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 130, 131, 195-моддаларини қўллаб, суд

ажрим қилди:

[Redacted signature area]

Мазкур ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Ш.Ғозиев

